

INSON O'ZGARSA - JAMIYAT O'ZGARADI!

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОЙ-СИЁСIIЙ ГАЗЕТАСИ



# milliy tiklanish

№ 18 (1120) 2021 йил 26 май, chorshanba

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

www.mf.uz / gazeta@mf.uz / mtklanish@mail.ru

**ОРОЛНИНГ «ЮРАК УРИШИ»НИ ЭШИТДИЛАР**



3с

**ХАЛҚ ТАБОБАТИ – ҲАҚ ТАБОБАТ**



**ЗЕБИНИСОМИЗ ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБИ**



4с

**3**  
**Розғонда ҳам иш бошладик!**

Партиямизнинг Розғон шаҳар кенгаши тузилганига қўл бўлгани йўқ. Дастлаб, ишни аҳоли муаммоларини ўрганишдан бошладик. Қарасак, асосий муурожаатларда кўпроқ йўлларнинг қаровсизлиги тилга олинган.

**4**  
**Қарс уч қўлдан чиқади**

Депутатлар иштирокида 79 та ўрганиш олиб борилиб, уларда 52 та ташқи реклама ва бошқа ёзувларда хатоликлар борлиги аниқланди ҳамда қонун бузилиши ҳолатлари бартараф этилди.



**5**  
**Баҳсларни қонун тўхтатадими?**

Қарийб икки йилдан буён гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона давом этаётган бундай келишмовчиликлар натижасида тажрибали мутахассислар, кино дарғалари соҳани тарк этмоқдалар. Кино оламига энди қадам босаётган ёш ижодкорларнинг эса соҳага бўлган қизиқиши сўнмоқда.

**6**  
**Сени топмоқ йўли – доим топинмоқдир**

Марҳум устоз, шоир Аъзам Ўктамда чин инсонийлик сифатларини кўрганман. Шу сабаб шоирларга хурматим, шоирликка иштиёқим ошган. Ўтган йилдан бери кўнгилда эзгу бир ният уйғониб, устоз туғилган Бувайда туманида хотира кечаси ўтказишни режалаб юргандик.

2020 йили халқ таълимига 20 трлн. 69 млрд. сўм, шундан объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлашга 1,7 трлн. сўм, мактабгача таълимга эса мос равишда 4.7 трлн. сўм ажратилиб, қурилиш ишларига 1.3 трлн. сўм йўналтирилган.

**МАКТАБ ВА БОҒЧАЛАР ҚУРИЛИШИГА ЕТАРЛИЧА**

**МАБЛАҒ АЖРАТИЛМАЯЛТИ**

2с



**Вазиримиз ҳам ўрганса бўларкан!**

5с

**«ҚОНДУКТОР» ДАН ЭҲТИЁТ БЎЛ, БОЛАКАЙ!**



3с

**БИЗНИ ЁВ ЭМАС, ФЕЪЛИМИЗ ВА САЖИЯМИЗ ЕНГАН**



6с

# Мақтаб ва боғчалар қурилишига етарлича маблағ ажратилмаяпти

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида Давлат бюджетининг 2020 ҳамда 2021 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси муҳокама қилинди. Унда партиялар фракциялари раҳбарлари сўзга чиқиб, Давлат бюджети ижроси юзасидан ўз муносабатларини билдирдилар.

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси етакчиси Алишер Қодировнинг маълум қилишича, мамлакатимизда дунёнинг ижтимоий-иқтисодий мувозанатини издан чиқарган пандемиянинг миллий иқтисодиётимизга зарарини камайтириш, кўмакка муҳтож бўлиб қолган аҳолини тизимли тарзда қўллаб-қувватлаш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда. Бунинг иқтисодиётда ҳам, ижтимоий соҳаларда ҳам кузатиш мумкин.

– Ҳисоботда 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига давлатнинг ташқи қарзи 23,3 млрд. (ЯИМнинг 40,4 фоизи), ички қарз эса 2,2 млрд. АҚШ долларига етгани кўрсатилган. Лекин аксарият ривожланган давлатлар, жумладан, Япониянинг ташқи қарзга нисбатан ички қарзи кўпроқ. Яъни, кунчиқар мамлакат ҳукумати четдан эмас, кўпроқ ўз халқидан қарздор бўлишни маъқул кўрмоқда. Ўзбекистоннинг эса ички қарзи ташқи қарзга нисбатан 10 баробарга камдир. Шу маънода, ташқи қарзни ислохотлар давридаги энг тўғри йўл сифатида кўриш ҳар доим ҳам иқтисодий таъминотларга тўғри келмайди.

Яна бир масала: аксарият юртдошларимиз ҳали-ҳануз банкларга фақат кредит берувчи манба сифатида қарамоқдалар. Омонатга пул қўйиш, аҳолига облигация сотиш сингари хизматлар тизимда етарлича шакллантирилмаган. Бунинг асосий сабаби, кўпчиликнинг банк-

ларга ишонмаслиги бўлса, иккинчидан, бошқаларнинг ўз эътиқодига кўра, амалдаги банк хизматидан фойдаланмаслигидир. Сўровлар шуни кўрсатмоқдаки, аҳолининг 90 фоизидан ортигини мусулмонлар ташкил қиладиган мамлакатимизда қарийб 20 фоиз аҳоли Исломий банк хизматидан фойдаланиш ҳақидаги таклифларни маъқулламақда. Партияимиз илгари сураётган Исломий банк хизматини йўлга қўйиш ишларига эса Марказий банк томонидан етарлича эътибор қаратилмаяпти. Бизнингча, Ҳукумат ҳам бу борадаги чораларни кучайтирадиган пайт келди, – деди фракция раҳбари.

Ялпи йиғилишда Алишер Қодиров гарчи Давлатимиз раҳбарининг 6155-сонли Фармонида пенсия ва нафақаларни тайинлашда фуқаролар учун қулай шароитлар яратиш белгиланган бўлса-да, жамғариб бориладиган пенсия тизими ҳалигача тўла шаклланмаганига эътибор қаратди.

– Пенсия миқдорини ҳисоблашдаги тартибларнинг ҳақиқий эътирозларга сабаб бўлаётгани бежиз эмас, – деди А.Қодиров. – Ўзбекистонда пенсия олувчилар сони 3 млн. 800 минг нафарни ташкил этишини инобатга олсак, соҳага бўлган эътибор кескин кучайтирилиши зарурлиги маълум бўлади. Шундан келиб чиқиб, фракцияимиз бу масалани яқин вақт ичида «Парламент эшитуви» доирасида кўриб чиқиш ташаббусини илгари сурмоқда.

Фракция раҳбари, шунингдек, таълим бўйича парламент



комиссияси ўрганишларига таяниб, мактабгача таълим тизимида салмоқли ишлар қилинганга қарамай, 1 миллиондан зиёд болалар мактабгача таълим тизимида камраб олинмаганини, 53 та туманда эса боғчалар етишмаслигини таъкидлади. Шунингдек, 2020 йилда давлат бюджетидан халқ таълимига 20 трлн. 69 млрд. сўм ажратилган. Шундан объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлашга 1,7 трлн. сўм, мактабгача таълимга эса мос равишда 4,7 трлн. сўм ажратилиб, қурилиш ишларига 1,3 трлн. сўм йўналтирилган.

Кўриниб турибдики, мактаб ва боғчаларни қуриш ва таъмирлаш ишларига етарлича маблағлар ажратилмаяпти.

Охириги 4 йилда 134 та мактаб қурилган бўлса, 2 965 та мактаб реконструкция қилинган. Лекин мактаблар етишмаслиги боис, ҳамон аксарият мактабларда битта синфда 40-45 нафаргача бола таҳсил оляпти. Бу мактаблар қурилишига йўналтирилаётган маблағлар миқдорини ошириш лозимлигини кўрсатди.

Шунингдек, йиғилишда таълим муассасаларида ошхона ва буфетлар бўлиши, санитария эпидемиология нормаларига риоя қилиш билан боғлиқ тизимли муаммолар борлигига ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, кўпгина мактаблар иситиш тизими билан таъминланмаган, синфлар эса белгиланган меъёрларда ёритилмаяпти. Бу эса таълим соҳасида олиб борилаётган

ислохотлар қутилган самара бермаслигига олиб келяпти.

– Партия бу борада Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлигининг «Парламент эшитуви»да ҳисоботини эшитиш лозим, деб ҳисоблайди, – деди А.Қодиров.

Гарчи, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси Давлат бюджетининг 2020 йил ва 2021 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси юзасидан ҳукумат ҳисоботини маъқуллаган бўлса-да, юқорида қайд этилган муаммолар ечими юзасидан тегишли тавсияларини тақдим этди.

**Равшан МАҲМУДОВ,**  
«Миллий тикланиш» мухбири

## ✓ Ҳамкорлик

# ХАЛҚ ТАБОБАТИ — ҲАҚ ТАБОБАТ

Бугун ривожланган давлатлар тиббиётининг ҳам тиши ўтмаётган айрим касалликларга халқ табobati самарали ечим топаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда, юртимизда халқ табobatiни ривожлантириш, табибларга беморларни даволаш учун қулай шароитлар яратиш борасидаги ишлар юртдошларимизнинг ушбу соҳага бўлган ишончини мустаҳкамлай бошлади. Халқ табobatiни эса буюк аллома Абу Али ибн Синоси тасаввур қилиб бўлмайди, албатта.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Абу Али ибн Сино жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган «Абу Али ибн Сино ва замонавий фармацевтикада инновациялар» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуманда айнан ана шундай фикрлар билдирилди. Абу Али ибн Сино таваллудининг 1041 йиллигига бағишланган ушбу тадбирда 20 га яқин давлатларнинг таниқли олимлари қатнашиб, ибн Синонинг дунё тиббиёти ривожига қўшган ҳиссаси ҳамда фармацевтиканинг долзарб ма-

салалари хусусида маъруза қилдилар.

Тошкент фармацевтика институтида ўтган тадбирда партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Фируза Муҳаммеджанова сўзга чиқиб, ўз даврида «Олимлар бошлиғи», «Табиблар подшоҳи» каби юксак макомга сазовор бўлган Абу Али ибн Сино 450 дан ортиқ асарлар яратганини, лекин бизгача уларнинг атиги 242 таси етиб келгани, буюк бобокалонимизнинг доривор ўсимликлар ҳақидаги бой тажрибаси замонавий фармацевтика – дори тайёрлаш, сақлаш ва беморларни даволаш хусусидаги амалий фанлар мажмуаси яратилишига асос бўлганини таъкидлади.

– Партияимизнинг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида ҳам халқ табobatiни ривожлантириш, хусусан, ибн Синодек буюк алломанинг илмий меросини кенг тадқиқ этиш, ёшларни буюк мутафаккирнинг ибратли ҳаёти, пурмаъно ҳикматлари асосида тарбиялаш каби вазифалар ҳам белгилаб олинган. Шундан келиб чиққан ҳолда соҳа вакиллари билан халқ табо-

батини ривожлантириш, уни замонавий тиббиёт билан интеграция қилиш чораларини кўряпмиз. «Халқ табobati тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳамда Ўзбекистонда халқ табobatiни ривожлантириш Концепцияси шулар жумласидандир.

– Ибн Сино табиий дорилар билан бир қаторда биринчилардан бўлиб кимёвий усулда тайёрланган дориларни ҳам қўллаган, – деди тадбирда Тошкент фармацевтика институти ректори Камол Ризаев. – Буюк олим касалликлар турига қараб, беморларни аввал содда, сўнг мураккаб таркибли дорилар билан даволаган. Озиқ-овқатларнинг шифобахшлик хусусиятига алоҳида эътибор қаратган. Дори тайинлашда беморнинг мижози, ёши, иқлим шароитини ҳисобга олиш муҳимлигини бот-бот таъкидлаган. Ибн Сино фармацевтика жуда пухта ўйланган фармакологик тадқиқот усулига асосланганиги боис, Ўрта аср Европа фармацевтидан анча ўзиб кетганини ва замонавий доришуносликка яқинлашганини таъкидлаш жоиз. Аллома қўллаган дориларнинг бир қанчаси



ҳозирги фармакопейалардан ҳам мустаҳкам ўрин олган.

Қайд этиш жоизки, буюк бобокалонимиз ўзининг «Ақлий илмлар таснифи»да инсонларнинг кундалик ҳаёти, ўзаро муносабатларидаги энг зарур ахлоқий фазилатларга, яъни камтарлик, иззат-ҳурмат, тўғрисиўзлик, софдиллик каби хулқий қондаларга алоҳида эътибор бериш зарурлигини ҳам таъкидлаган.

Тарбиянинг бирламчи асоси бўлган ушбу фазилатларнинг айни пайтда мамлакатимиз умумий ўрта таълим тизимида жорий этилган «Тарбия» фани

дарслигига киритилгани ҳам қайд этиш лозим. Абу Али ибн Сино таъкидлаганидек, яхши ва ёмон хулқнинг ҳаммаси шароит, тарбия, одатланиш натижасида вужудга келади. Яхши хулққа ҳам одат туфайли эришилади.

Анжуманда Абу Али ибн Синонинг тарбиявий аҳамиятга оид маънавий мероси ҳақида ҳам сўз юритилиб, алломанинг илмий асарларини ўрганиш, уларни кенг жамоатчилик, хусусан, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, соғлом авлодни тарбиялашга қўшаётган ҳиссаси учун

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясига Ибн Сино жамоат фондининг махсус сертификати ҳамда мукофоти топширилди.

Халқаро анжуман Ўзбекистон ва хорижда Абу Али ибн Сино илмий меросини чуқур ўрганиш, кенг тарғиб қилиш ҳамда юртимизда халқ табobatiни ривожлантиришга қаратилган резолюцияни имзолаш билан яқунланди.

**Наргиза ҲАМИДОВА,**  
Марказий кенгаш  
Ўқув услубий ва тадқиқот  
маркази сектори мудири

## ✓ Инфографика

**2021** йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Сайловолди дастурида белгиланган **52 та** масаланинг ижроси таъминланди



Депутатлик гуруҳлари томонидан

# 92 та

масала-таклифлар маҳаллий Кенгашлар сессияларига





## НИҲОЯТ, ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИГА

# БЕМОРОРОЛ

## НИНГ «ЮРАК УРИШИ»НИ ЭШИТТИРДИК...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бундан тўрт йил аввал БМТнинг олий минбаридан туриб, Ўзбекистоннинг туб ислохотларни амалга оширишга доир қарорлари қатъий эканини бутун дунёга эълон қилган эдилар.

2017 йилнинг 20 сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ҳам Давлатимиз раҳбари томонидан барча соҳаларда чуқур ислохотлар амалга оширилаётгани, умумхалқ муҳокамасидан кейин беш йилга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси қабул қилиниб, ушбу ҳужжатни ишлаб чиқишда ўзимизга четдан назар ташлаб, салоҳият ва имкониятимизни холис баҳолаш билан бирга, хато ва камчиликларимизни ҳам атрафлича танқидий таҳлил қилганимиз таъкидлаганди.

Уша сессияда Президентимиз БМТ қошидаги Хавфсизлик Кенгаши фаолиятини бугунги кун талаблари асосида кенгайтириш, БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлигини таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга доир махсус резолюциясини қабул қилиш таклифини илгари сургандилар. Маълумки, минтақа халқлари манфаатига хизмат қиладиган ушбу ташаббус жаҳон ҳамжамияти томонидан маъқулланган, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари мунтазам ўтказила бошланди. Бу эса нафақат Ўзбекистон, балки минтақа мамлакатларининг тинчлигига ва иқтисодий жиҳатдан тараққий этишига хизмат қила бошлади.

Буни кейинги беш йилда Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан ўзаро савдо

ҳажми салкам беш баробарга ўсганида ҳам кўриш мумкин.

Энг муҳими, Давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида минтақамизда чорак асрдан буён ечимини кутаётган бир қатор масалалар бўйича принципиал қарорлар қабул қилинишига эришилди. Хусусан, 2020 йилнинг сентябрида Ўзбекистон – Қирғизистон давлат чегаралари тўғрисидаги шартнома имзоланиб, миллионлаб фуқаролар интиқиб кутган кунларга етишдик.

Давлатлар раҳбарларининг сиёсий иродаси туйғайли ўтган йигирма олти йил давомида биринчи марта минтақада мулақо янги сиёсий муҳит яратилди, дейиш мумкин.

Кўриниб турибдики, Президентимиз томонидан БМТ сессияларида илгари сурилган ҳар қандай ташаббус ва таклифлар халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда. Жорий йилнинг 18 май куни эса БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг навбатдаги ялпи мажлисида Давлатимиз раҳбарининг Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш тўғрисидаги резолюцияга оид ташаббуси 60га яқин давлатлар томонидан маъқулланди.

Маълумки, 2017 йилнинг июнь ойида Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш билан учрашиб, Ўзбекистон билан Урта Осиёдаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, минтақавий ва халқаро

аҳамиятга молик масалалар, жумладан, Орол фожиясининг экологик оқибатларини юмшатишга доир долзарб вазифаларни муҳокама қилишган эди. Бош котиб ўз ташрифи доирасида Орол денгизига бориб, у ердаги вазият ва глобал муаммо билан яқиндан танишган ва Оролнинг бугунги ҳолатга келишини сув ресурсларидан фойдаланишда кўп томонлама ҳамкорлик йўлга қўйилмаганининг оқибати, дея баҳолаган эди.

Давлатлар раҳбарларининг сиёсий иродаси туйғайли ўтган йигирма олти йил давомида биринчи марта минтақада мулақо янги сиёсий муҳит яратилди, дейиш мумкин.

18 май куни эса БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг навбатдаги ялпи мажлисида Давлатимиз раҳбарининг Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш тўғрисидаги резолюцияга оид ташаббуси 60га яқин давлатлар томонидан маъқулланди.



Шундан кейин Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Орол фожияси оқибатларини бартараф этишга хизмат қилувчи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик Траст фонди тузилди.

Қабул қилинган қарорлар доирасида эса 2018-2020 йилларда Орол денгизининг суви қуриган ҳудудларида 1,2 миллион гектар майдонда ўрмон-мелиоратив тадбирлари амалга оширилди. «Яшил қопламалар» барпо

этишга техника, авиация жалб этилиб, инновацион усуллар қўлланила бошланди. Шу кунгача мелиоратив тадбирлар учун ўрмончилар ва маҳаллий аҳоли томонидан 4,3 минг тонна чўл ўсимликлари бўлган саксовул, қорабуроқ, қандим, черкез ва чўл яйлов ўсимликлари уруғлари жамғарилди. Шунингдек, бу жараёнга 1000 та техника ва механизмлар, 6 дона самолёт ва 2 та дельтаплан жалб этилди.

Кези келганда «Ёшларни

маълумотларни етказиш билан бир қаторда, қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдиришга ҳаракат қилмоқликларни кўзда тутилган эди.

Қайд этиш жоизки, БМТга аъзо давлатлар билан ҳамжиҳатликда Оролбўйи ҳудудида экологик ҳолатни сақлаш, ҳудуд об-ҳавоси, сув хўжалиги, экологик ва иқтисодий кўрсаткичлари бўйича кузатув ҳамда таҳлилий баҳолаш ишлари ҳамда Орол қуришининг оқибатларини бартараф этишга оид илмий - амалий ва фундаментал тадқиқотларни ўтказишга қаратилган ишларни жадал амалга оширмасак, минтақада глобал муаммолар юзга келиши эҳтимоли янада ошиб бораверади.

Дунёнинг 60 га яқин давлати, шу жумладан, Россия, Хитой, Қозғоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Афғонистон, Туркия, Япония, Покистон, Эрон, Ҳиндистон, Миср, Малайзия, Сингапур, Вьетнам, Бангладеш, Иордания, Умон, Озарбайжон, Беларусь, Грузия, Венгрия, Руминия, Жазоир, Парагвай ва бошқа мамлакатларнинг Президентимиз ташаббусларини қўллаб-қувватлаганлари эса Орол денгизи қуришининг оқибатлари ниҳоят жаҳон ҳамжамияти томонидан тўғри баҳоланаётганидан ҳам далолатдир.

Одилжон ТОҶИЕВ,  
Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси  
Спикери ўринбосари

✓ Депутат бонг уради

# «ҚОНДУКТОР» ДАН ЭҲТИЁТ БЎЛ, БОЛАКАЙ!

Кунни кеча жамоат транспортида юз берган бир воқеа туйғайли ҳали ҳам ўзимга келолмаяпман. «Қондуктор» аёл эрта лаб мактабга кетаётган 9-10 яшар болани 1000 сўм йўлқира бергани учун шунчалик ҳақорат қилдики... Ҳатто автобусдаги йўловчиларнинг «кўйинг, 400 сўмининг биз берамиз» деган гапига ҳам қулоч солмади. Аксинча «Менда ҳам план бор» дея қолганларга ҳам захрини сочди.

Балки чиндан ҳам болакайга ота-онаси кам пул берган ёки бола бирон егулик учун 400 сўмини орттирмоқчи бўлгандир. Аммо «план»ни эмас, ўз нафсини ўйлаётган «қондуктор» учун бунинг аҳамияти йўқ эди. Албатта, бундай ҳолат биринчи марта содир бўлаётгани йўқ. Бизнингча, охиригиси ҳам эмас бу. Айтмоқчимизки, ўқувчиларга йўлқира бепул бўлмас экан, йўлқаримизда бундай заҳархандликлар давом этаверади.

Агар давлат «план»ни ўша 400 сўм билан тўлиб қолганида ҳам бошқа гап эди. Ахир ҳеч қайси мамлакатда жамоат транспорти фойда келтирмаслигини биламиз-ку! Харажатлар субсидия, имтиёзли кредит ёки бошқа омиллар билан қопланади. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам.

Мактаб ўқувчилари учун йўл ҳақини бепул қилиш масаласини аввал ҳам кўтарганим. Лекин тегишли идоралар на муносабат билдирди ва на қўллаб-қувватлади.

Бугун фарзандларимизнинг баркамол инсонлар бўлиб етишишлари ҳақида гапирётган эканмиз, бунга бир қатор омиллар, хусусан, болаларимизнинг шаҳар транспортида бепул юришларини таъминлаш орқали ҳам ёрдам берган бўлмайми?

Агар эътибор қилсак, бугунги ёшлар кўча болалари эмас. Ҳар кунни ўқув марказларига зир югураётган ёшларни кўриб, «эх, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди», дея ҳавасингиз келади. Тан олишимиз керак: бугун кимдир ўз фарзандининг ҳатто йўлқарисини ҳам топиб беролмаётган бўлиши мумкин. Бунга бозор шароити, пандемия ва бошқа минг битта сабаб бор...

Дунё таърибасида йўлқарини бепул қилиш янгилик эмас. Люксембургда ҳатто барча учун жамоат транспорти текин хизмат қилади. Эстония пойтахти Таллинда эса қарийб ўн йилдан бери йўлқира сўралмайди. Швейцария, Австралия, Франция, АҚШ, Хитой, Малайзия... Мутахассислар бундай имтиёз




шаҳарларда тирбандликларнинг олдини олиши, ҳатто солиқ тўловчилар сонининг кескин кўпайишига хизмат қилишини ҳам аниқлаганлар.

Хуллас, бугун 400 сўм тўлаётган мактабга шошаётган болакай, эртага давлатимизга миллиардлаб фойда келтириши мумкин. Ахир келажакимиз шулар қўлида эмасми? Уларнинг жамиятга, давлатга муносиб бўлиши учун эса, аввало биз – катталар уларга муносиб бўлишимиз керак, менимча...

Жаҳонгир ЗИЯЕВ,  
халқ депутатлари Мирзо Улугбек тумани Кенгаши Депутати

## Фозгонда ҳам иш бошладик!



Йўл қуриб, одамлар оғирини енгил, узогини яқин қилганининг савоби қатта экан. Фозгон шаҳар Кенгаши депутати, шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Машъал Қодиров ана шу ақидага амал қиладиган депутатларимиздан. Унинг саъй-ҳаракати билан «Шайхон» маҳалласидаги «Обруй» кўчасига ниҳоят асфальт ётқизилад бошланди. Айни кунларда депутатимиз ташаббуси билан «Гулистон» МФИнинг «Мустақиллик» ҳамда «Тумар» МФИнинг «Хиёбон» кўчалари ҳам асфальтлаштирилмоқда.

– Партияимизнинг Фозгон шаҳар кенгаши тузилганига кўп бўлгани йўқ, – дейди Машъал Қодиров. – Дастлаб, ишни аҳоли муаммоларини ўрганишдан бошладик. Қарасак, асосий муурожаатларда кўпроқ йўлларнинг қаровсизлиги тилга олинапти. Шу боис, эътиборимизни ички ва ташқи йўлларни яхшилашга қаратяпмиз. Айни пайтда 3 та маҳалладаги асосий кўчалар асфальт қилинапти, – дейди депутат.

Жамолiddин АҲТАМОВ  
тайёрлади.

Кутинг!

# ЖАНОБЛАР,

пулингизни «ЁСТИҚ» ДАН чиқариш пайти келди!

АҚШда капитал бозорининг ЯИМдаги улуши 157 фоиз, Россияда 32, Қозғоғистонда эса 5 фоизни ташкил қилади. Ўзбекистон ушбу кўрсаткичда нечанчи ўринни банд этмоқда?

Келгуси сонларда

# ЎҚИДАН УЧ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

Андижон вилоятининг деярли барча шаҳар ва туман Кенгашлари сессияларига ташқи рекламаларнинг давлат тилида бўлиши юзасидан 16 та масала киритилгач, бу ҳақида бошқа ташкилотлар, энг асосийси, маҳаллий ҳокимликлар вакиллари ҳам ушбу масала моҳиятини тушунгандек бўла бошладилар. Шу ўринда депутатлар иштирокида 79 та ўрганиш олиб борилиб, уларда 52 та ташқи реклама ва бошқа ёзувларда хатоликлар борлиги аниқлангани ҳамда қонун бузилиши ҳолатлари бартафти этилганини таъкидлаш жоиз.

Тўғри, бу ишлар гўёки денгиздан томчи, холос. Чунки, 79 та ўрганиш асосида бутун бошли вилоятдаги реал ҳолатга баҳо бериб бўлмайди. Аммо биз ўз хатти-ҳаракатимиз билан ҳар қандай ёзув ва реклама баннерларидеги ноҳўя суратлар, бошқа тилларга устулик берилган жиҳатлар миллий қадриятларимиз, энг асосийси, тилимиз қадрини ерга уриш билан баробар эканини юртдошларимизга тушунтиришга уриндик. Кимдир тушунди, кимдир қўллаб-қувватлади, бошқа биров эса нима кераги бор, қабилида муносабатда бўлгани ҳам бор гап.

Яқинда депутатларимиз яна бир ҳаракатни бошладилар.

Вилоятимизда 1,5 мингдан зиёд мактабгача таълим ташкилоти бўлиб, улардаги таълим-тарбия жараёнлари, фойдаланилаётган методлар, аждоқларимиз маънавий-маърифий меъросининг қай даражада тарғиб қилинаётгани, ёшлар онгида соғлом маънавий муҳитни камол топтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар депутатларимиз иштирокида ўрганилди. Бу йўналишда Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда туман, шаҳар марказларидаги савдо дўконларида сотилаётган болалар ўйинчоқлари ва уларнинг миллий менталитетимизга қай даражада тўғри келишига таҳлил қилдик.

Оила мустақамлиги, энг аввало, соғлом муҳитга боғлиқ эканини ҳисобга олсак, бу борада тарбия ва таълимнинг ўрни беқиёс экани яққолроқ кўзга ташланади. Маълумки, тарбия оиладан бошланиб, боғчада давом этади ва мактабда мукамалликка эришади. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда мактаблардаги тарбия фанларининг ўқитилиши, педагоглар фойдаланаётган адабиётлар, миллий тарбия манбаларининг қўлланилиши, педагоглар ахлоқидаги ўзгаришлар, уларни мунтазам руҳий назоратга олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан 764 та мактабдаги маънавий муҳит ўрганилди. Очиқ мулоқотлар, ўрганишлар чоғида ақли заиф, имконияти чекланган болаларни ўқитишга мўлжалланган мактабларда бир қатор муаммолар борлиги аниқланиб, бу бўйича мутасадди идораларга ўз тавсияларимизни бердик. Шу ўринда тарбия жараёнида асосий роль ўйнавчи устозлар фаолиятига етарлича эътибор қаратилмаётганини айтиш жоиз. Хусусан, педагоглар учун санаторияларга имтиёзли йўлланмалар сони ниҳоятда камлиги, уларга коммунал хизмат учун тўловларда имтиёзлар қўллаш зарурлиги таъкидланди. Булоқбоши туманидаги бир неча мактабда эса иситиш тизимида муаммолар борлигини аниқладик. Шундан кейин халқ депутатлари Булоқбоши тумани Кенгаши депутати Арслон Камолов томонидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилиб, 4 та синф хонасида 30 та жамланмали синф парталари ўрнатилишига ва табиий газ билан таъминланишига эришдик. Шунингдек, Шахрихон туманидаги мактабларга туман Кенгаши депутатлари томонидан ёқилги масаласида амалий ёрдам берилганини айтиш жоиз.

Партияимизнинг Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Жумладан, ўтган давр мобайнида 300 нафардан зиёд хотин-қиз, 100 нафарга яқин ёшнинг бандлигини таъминлашга эришдик.

Болалар онгида жангарилик, беҳаёликни шакллантирувчи ўйинчоқлар сотувини чеклаш бўйича назорат тадбирлари ҳам ўтказилди, шу соҳадаги тадбиркорларга эса бу ҳақида тушунчалар ҳам бердик.

Айни пайтда партиядошларимиз жамиятнинг асосий бўғини саналган оилани ҳам эътибордан четда қолдирмаётдилар. Хусусан, ўтган 5 ойда депутатлар кўмаги билан 300 га яқин нотиқ оилаларни яраштиришга эришдик. 100 га яқин оиланинг эса судгача борган ажрим иши руҳшунослар, отинойлар, маҳалла фаоллари ва нуронийлар аралашуви билан муросага келтирилди.

Бундай хатти-ҳаракатлар, ўз навбатида, партияга бўлган ишончни оширомоқда. Буни ўтган даврда партияимизга 400 га яқин мурожаат келиб тушганида ҳам кўриш мумкин. Интернет орқали эса 100 га яқин мурожаат йўлланди. Биз бу жараёнда бирон-бир мурожаатнинг эътиборсиз қолмаслигига ҳаракат қиляпмиз. Масалан, ўрганишлар жараёнида бир қарашда арзимагандек ту-



юлган масала – Андижон тумани тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимида ишловчи ҳамширанинг мукофот пулини ҳам ундириб бердик.

Маълумки, муаммоларнинг қай даражада ҳал этилишига қараб аҳолининг ишончи мустақамланиб бораверади. Бас шундай экан, фуқаролар мурожаатига маҳаллий Кенгаш депутати Арслон Камолов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган вакилимизгача жалб этилди. Яъни, қарс уч қўлдан чиқишига ҳаракат қиляпмиз. Тўғри, буларнинг бари осон кечаётгани йўқ. Орамизда боқимандалик кайфиятига берилганлар, ҳамма муаммоларни ҳозирроқ ҳал бўлишини талаб қилаётган юртдошларимиз ҳам йўқ эмас. Баъзан эса ахлоқсизларга ҳам дуч келяпмиз. Бу эса катталар ўртасида ҳам таълим-тарбияни кенгроқ тарғиб қилишимизни, дунёқараш ва тафаккурни ўзгаришидек масъулиятли вазифаларимиз борлигини кўрсатапти.

Хулоса қилиб шунни айтиш жоизки, миллий қадриятларимизни бой бериб, уларни замонавий анъаналар қурбонига айлантирганимиз тобора қимматга тушяпти. Ҳатто энг оддий кўринган – менталитетимизни оёқ ости қилаётган рекламаларни ҳам четлаб ўта олмаёпмиз. Бироқ шунинг ҳам тан олишимиз керакки, бу муаммолар кеча пайдо бўлгани йўқ. Улар бир ҳаракат билан ҳал бўлиб қолмайди. Шунинг учун ҳам барча ватандошларни бир тану бир жон бўлиб мамлакатдаги ўзгаришларда фаол иштирок этишга чақиришимиз эса натижа, аҳиллик бор жойда самара бўлади.

**Камола АБДУВАЛИЕВА,**  
партия Андижон вилояти  
кенгаши раиси ўринбосари



## Партия аъзоси халқаро танловда олтин соҳибаси бўлди

Зебинисо Аҳмадова Қозоғистоннинг Нурсултон шаҳрида МДҲ давлатлари ўртасида ўтказилган «Илнинг энг яхши ёш олими - 2021» Халқаро танловининг ижтимоий гуманитар йўналишида энг иқтидорли ёш олимпиадани ДАРАЖАЛИ ДИПЛОМ билан тақдирланди.

Ёш олимпиада бугунги кунда Навоий номидаги давлат стипендияси совриндори, «Илнинг энг яхши мутахассиси» йўналиши бўйича йил талабаси, Республика босқичи ғолиби, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар Парламенти аъзоси ҳамда фан-таълим масалалари қўмитаси матбуот котиби, УзМТДП Ёшлар Парламенти эвент менежери, Республика Ёш олимлар кенгаши аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат Бошқарув акаде-

мияси ўқув курси битирувчиси, УзМТДП Бухоро вилояти кенгаши маънавий-маърифий ва мафкуралар бўйича бош мутахассиси, Бухоро давлат университети магистранти, Республика «Лидерлар» жамоаси аъзоси, Республика ОТМ учун иккита ўқув қўлланма, иккита монография муаллифи, Республика ва халқаро миқёсдаги 150 дан ортиқ илмий-амалий, услубий конференциялар иштирокчиси ҳамда мақолалар муаллифи, Республика миқёсдаги 15 га яқин лойиҳа ва танловлар ташкилотчиси.

Шунингдек, бугунги кунда устози Шавкат Ҳайитов билан биргаликда Президентимизнинг 2017 йил 24 декабрдаги қарори ижроси юзасидан «Алишер Навоий-тарихнавис» мавзусида академик магистрлик диссертацияси устида илмий фаолият олиб бормоқда.



## Халқаро илмий-техникавий анжуман бўлиб ўтди

Кеча Тошкент шаҳрида Тошкент кимё технологиялари институти ташкил топганлигининг 30 йиллиги муносабати билан халқаро илмий-техникавий анжуманнинг биринчи босқичи бўлиб ўтди.

«Кимё, нефть-газни қайта ишлаш ҳамда озиқ-овқат саноатлари инновацион технологияларининг долзарб муаммолари» мавзусига бағишланган мазкур анжуманда АҚШ, Россия, Испания, Хитой, Беларусь, Корея, Қозоғистон, Қирғизистон каби 20 дан ортиқ мамлакат етакчи олим ва мутахассислари иштирок этишди.

Анжуман доирасида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини ўзида акс эттирган кўргазма ҳам ташкил этилиб, унда мамлакатимиз-

да ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва кимё технологиялари институтининг илмий-техникавий қўлланма ва анжомлари намойиш этилди.

Икки кун давомида бўлиб ўтиши режалаштирилган мазкур анжуман чет эллардаги олий ўқув юртлири, илмий-тадқиқот институтлари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлашга қаратилган бўлиб, унда 300 дан ортиқ долзарб маърузалар тақдим этилиши режалаштирилган.

Анжуманнинг иккинчи қисми бугун – 26 май куни Тошкент кимё технологиялари институтида бўлиб ўтди.

**Мафтуна КАРИМОВА,**  
ЎЗА

## «Ёшлар қаноти» фаолиятидан

# Беҳзодбекка ишонч билдирилди

«Миллий тикланиш» партиясини бежиз танлаганини йўқ, – дейди Беҳзодбек Сирождидинов. – Кўп тенгдошларим шу партияга аъзо бўлиб, унинг ўсганига гувоҳ бўлдим. Ҳамкасбим Элёрбек Холмирозев шу партияда тобланди. Ҳозир вилоят ҳокимлигида ёшлар котибияти мудирини лавозимда ишламоқда. Яна бир тенгдошим депутат бўлди. Бошқаси эса шу партия кўмаги билан ўз тадбиркорлигини йўлга қўйди. Хуллас, партия биз каби ёшларнинг чинакам қанотига айланмоқда. Аммо гап бунда ҳам эмас. Асосийси, «Миллий тикланиш» партиясининг халқчил ғояларни илгари сураётганидир.

Беҳзодбек Сирождидинов

2020 йилнинг январь ойида Андижон Давлат Университетига ботаника ихтисослиги бўйича докторантурага қабул қилиниб, ноябрь ойида «Ўза навларининг турли геномли турлардан фойдаланиш» мавзусида докторлик диссертациясини (DSc) мuddатидан икки йил олдин ҳимоя қилди. Пировардида, ёш олим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 ноябрдаги «Илмий даражали кадрларни тайёрлаш жараёнларининг шаффоқлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг илмий даража олиш учун тайёрланган докторлик диссертациясини ўқиш мuddати тугамас-

дан олдин ҳимоя қилганларга ўқиш мuddатининг қолган даври учун назарда тутилган стипендиянинг ҳамда докторант билан олиб борилган иш учун тўловнинг жами миқдорини тўлаб бериш бандига асосан 112 млн. сўм миқдорига моддий рағбатлантирилди.

Ушбу илмий ишнинг аҳамияти шундаки, ўза генофондида мавжуд бўлган ёввойи турлар асосида янги, генетик жиҳатдан бойитилган интродуциция даражаи шакллари олишга эришилган. Бу ўзганинг зараркундаларга қарши ўзининг табиий «иммунитет»ига эга бўлишини таъминлайди. Пахта ёғи таркибидаги энг зарарли модда – госсиполиннинг эса миқдорини

камайтириш имконини беради.

Беҳзодбек Сирождидинов илмий-тадқиқот ишларига доир 2 та монография, 1 та ўқув ҳамда 3 та услубий қўлланма, 80 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар чоп эттирган. 1 та патент гувоҳномаси мавжуд. У «Ғалаба» номли янги пахта навини яратиб, патент олган.

Ёш олим 20 май куни партияимизга аъзо бўлди. Партия Марказий кенгаши «Ёшлар қаноти» раҳбари Беҳзодбек Тўраев ёш олимга партия аъзолик гувоҳномасини топширди. Ишонамизки, партияимиз сафидаги барча ёшлар эртага янада юксакроқ чўққиларни забт этадилар.

Партия Андижон вилояти кенгаши Ахборот хизмати





## Президент ваъда қилган кутубхона жаҳон дурдоналари калитига айланди



## Вазиримиз ҳам ўрганса бўларкан!

ОАВда дунёда хавфсиз туризм дастурини йўлга қўйган илк давлат – Туркиянинг 2021 йилги ёз мавсумига юқори даражада ҳозирлик кўргани хабар қилиняпти.

2020 йилнинг июнь ойидан бошлаб ушбу мамлакатдаги аэропортлардан транспорт воситаларига, турар-жой муассасаларидан овқатланиш жойларига бўлган сайёҳларга хизмат кўрсатувчи барча нўқталарга махсус сертификатлар берилган. Шу кунгача соғлиқни сақлаш хавфсизлиги сертификати 9 800 дан ортиқ объект ва транспорт воситалари олди. 2021 йилдан бошлаб мазкур сертификат 30 ва ундан ортиқ ўринли тунаш муассасалари учун ҳам мажбурий этиб белгиланди.

Туркия, шунингдек, Миллий эмлаш дастури доирасида ҳам туризм ходимларига устуворлик бериб, юқори хавфсизлик стандартларига эришди.

Туркиянинг Маданият ва туризм вазирини Мехмет Нури Эрсой 21-23 май кунлари Анталияда бўлиб ўтган хорижий миссия элчилари иштирок этган тадбирда сўзга чиқиб, «Туркия 2020 йилнинг июнь ойида дунёда хавфсиз туризм сертификати жорий қилган илк давлатлардан бўлди. 2020 йили ўлкамизга 16 миллион сайёҳ ташриф буюрган бўлса, улар-

нинг хавфсизлиги ва соғлиги биз учун энг аҳамиятли масалага айланди», деди.

Вазирнинг айтишича, Миллий эмлаш дастури доирасида фуқаролар 27 миллион дозадан ортиқ вакцина олган. Туризм соҳаси ходимлари учун эса биринчи ўринга қўйилган эмлаш дастури июнь ойида ҳам амалда бўлиши хабар қилиняпти.

Бир сўз билан айтганда, 2021 йил Туркия туризми учун хавфсизлик йили бўлади. Вазир Эрсойнинг айтишича, «2021 йил эмлаш дастури билан янада хавфсизроқ йил бўлади».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида замонавий ва ҳар томонлама қулай бўлган «Парламент кутубхонаси» иш бошлади.

Кутубхона ўқув, анжуманлар, қонун ижодкорлиги каби заллар ва кутубхона архивидан иборат бўлиб, унинг фонди сиёсат, иқтисодиёт, давлат ва ҳуқуқ, юридик фанлар, бадий адабиётлар, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, тарих, хусусан, Ўзбекистон ва жаҳон тарихига оид жами 40 мингдан зиёд китоблардан иборат.

Шу ўринда замонавий кутубхонада хорижий давлатлар парламентлари ўртасида ўзаро парламентларо электрон кутубхоналар, парламентларо келишув-меморандумларини тузиш ва у асосида маълумотлар алмашувини таъминловчи интеграциялашган тизим ҳам ишга туширилди. «Парламент кутубхонаси»нинг электрон китоб фондиди кенгайтириш мақсадида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, «Жаҳон рақамли кутубхонаси» (БМТ ва АҚШ Конгресси қўшма лойиҳаси), «Европа рақамли кутубхонаси» ва «Google кутубхонаси» фондларидан фойдланиш имконияти ҳам яратилди. Кутубхона ўқувчиларига қулайликлар яратиш мақсадида эса инфокиосклар ўрнатилди.

Шунингдек, кутубхонада 97 та мамлакатда 54 та тилда нашр қилинадиган жаҳон илмий тадқиқотлари базасига эга – JSTOR, Library Press Display, МДХ мамлакатлари, Балтика, Хитой ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг тўлиқ матни ҳамда библиографик маълумотлар базасидан иборат – East View, тадқиқотчилар

учун журналлар, китоблар, қарорлар, ахборот нашрларидан олинган 9 миллиондан ортиқ илмий хужжатларни тақдим этувчи – Springer Link ва ProQuest каби электрон кутубхоналардан фойдаланиш имконияти ҳам яратилган.

Энг асосийси, «Парламент кутубхонаси»да KaDaTa автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизими ишга туширилган бўлиб, у орқали электрон кутубхона каталогини ишлаб чиқиш ва ҳар бир китобга штрих код тизимини жорий этиш мумкин. Шунингдек, бу ерда 20 минг китобни рўйхатдан ўтказиш учун махсус RF-ID белгилар яратилган. Шунингдек, KaDaTa автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизими орқали кутубхона фойдаланувчиларига «iD kutubxona» хос рақами жорий этилиб, ҳар қандай электрон қурилмалар компьютер, планшет, смартфон орқали электрон парламент кутубхонаси тизимидан онлайн режимда фойдаланиш мумкин бўлади.

Натижада барча даражадаги депутатларнинг ушбу кутубхонанинг электрон китоб фондидан фойдаланишлари учун шароит яратилди. Ташқи фойдаланувчилар қамровини кенгайтириш мақсадида эса KaDaTa тизими воситасида парламент кутубхонасидан олиш ҳудудлардан интернет орқали жамоатчилик вакиллари, журналистлар ва талабаларнинг ҳам фойдаланиши учун имконият яратилди.

Шерзод ҚУЛМАТОВ,  
Олий Мажлис  
Қонунчилик палатаси  
депутати, «Миллий  
тикланиш» демократик  
партияси фракцияси  
аъзоси

✓ Мулоҳаза

## Ўзбек кино санъатининг метин пойдевори дарз кетдими?

Кино тарбиянинг замини, дея бежиз айтишмайди. Шунинг учун ҳам бугунги кун болалари тарбияни ота-она, ўқитувчидан кўра, кўпроқ телевидениедан олаётгани бор гап. Шунингдек, тарбиявий жиҳатдан ўта савиясиз, маънавий ва қадриятларимизга зид бўлган сериаллар, кино ва кўрсатувлар эндигина шаклланиётган болалар, ўсмирлар ва вояга етмаганлар онгию дунёқарашига жиддий таъсир ўтказмасдан қолмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил апрелда қабул қилинган «Кино санъати ва саноатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда ана шу ҳужжат асосида қабул қилинган «Кинематография соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳа вакиллариининг ижодий фаолияти учун муносиб шароит яратиш тўғрисида»ги Қарор соҳа ривожини сари ташланган муҳим қадам бўлди, десак хато бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари то-

монидан кино санъатини ривожлантириш учун нимаки зарур бўлса, барчаси яратилаётган бир шароитда ижтимоий тармоқларда кино ижодкорларининг ўзаро келишмовчиликларининг ҳақида тарқалган хабарлар дилни хира қилади, албатта. Тўғри, бунга ечим топилади, лекин у кино соҳаси ривожига таъсир қилмай қолмаслиги энг ёмон ҳолатдир.

Айниқса, қарийб икки йилдан буён гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона давом этаётган бундай келишмовчиликлар натижасида тажрибали мутахассислар, кино дарғалари соҳани тарқ этмоқдалар. Кино оламига энди қадам босаётган ёш ижодкорларнинг эса соҳага бўлган қизиқиши сўнмоқда.

«Миллий тикланиш» демократик партияси ўзбек кино санъати пойдеворининг дарз кетишига хизмат қиладиган бундай тортишувларни четга суриб, халқимиз маданияти ва санъати ютуқларини халқаро майдонда кенг тарғиб этиш, она заминимизда яшаб ижод этган ва жаҳон тамаддуни тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намоянда-

лари, буюк давлат арбоблари, ҳарбий саркардалар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кино асарларини яратиш йўлида бирлашиш пайти келди, деб ҳисоблайди.

Бунинг учун, энг аввало, соҳани тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш зарур. Зеро, кино соҳаси шу пайтгача қонунности ҳужжатлари билан тартибга солиб келинаётди. Бу эса соҳани ривожлантириш, янгидан-янги ташаббусларни қўллаб-қувватлашга имкон бермаяпти. Энг муҳими, кино санъати вакиллариининг моддий ва маънавий рағбатлантиришга тўсик қўймоқда.

Шунинг учун ҳам соҳа ривожини боғлиқ бир қатор вазифалар, жумладан, «Кино санъати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлаш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Қонунда соҳани бошқариш, соҳа ходимларининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, молиялаштиришдан тортиб, уни тасарруф этишгача мувофиқлаштирувчи нормаларнинг белгилаб қўйилиши бу каби салбий ҳолатларнинг келиб чиқишининг олдини олади, албатта.



Зафар АБДИРИМОВ,  
Олий Мажлис  
Қонунчилик палатаси  
депутати,  
«Миллий тикланиш»  
демократик партияси  
фракцияси аъзоси

✓ Анжуман

## Тошкентда уч мамлакат бизнес вакиллари учрашди

25 май кунини Ёшлар ижод саройида «Tashkent International Business HUB – 2021» ўз ишини бошлади.



Ўзбекистон Экспортчилар уюшмаси ва Бизнесни ривожлантириш уюшмаси ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Афғонистон бизнес вакиллари иштирок этмоқда.

Тадбир очилишида Ўзбекистон иқтисодиёт ассамблеяси ва Экспортчилар уюшмаси раиси Мухтор Умаров, Қирғизистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Ибрагим Жунусов, Афғонистон Ислам Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Аҳмад Ҳолид Элми ва бошқалар Буюк ипак йўли нафақат ўрта Осиё давлатларини, балки шарқ ва ғарбни боғлашда муҳим аҳамият касб этгани ва ушбу лойиҳа ҳам халқлар ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатилган кенг йўл очишига хизмат

қилишини таъкидлади.

– «Tashkent International Business HUB»нинг асосий мақсади учта иштирокчи давлат вакиллариини бизнес кесимида бирлаштиришга қаратилган, – деди Ўзбекистон Бизнесни ривожлантириш уюшмаси бошқаруви раиси Ёрқин Маликов.

– Шу билан бирга, юртимиздаги бизнес муҳити билан уларни яқиндан таништиришди. Мамлакатимизга импорт товарларини олиб келиш, уларни учинчи давлатга йўналтиришни ҳам кўзда тутадим. Масалан, Афғонистон давлатидан табиий бойликларни Ўзбекистонга олиб келиш ва уларни қайта ишлаб, бошқа давлатга экспорт қилиш ҳам режалаштирилмоқда. Бу эса икки мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Ушбу тадбир бизнес вакиллариининг ўзаро учрашув, мулоқот ва келишувларни амалга оширишига шароит яратади.

– Биз иккинчи бор юртингизда ўтказилган тадбирда қатнашмиш. Президентимиз Садир Жапаровнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида бизнес вакиллари иштирокидаги форумда илк бор иштирок этган эдик. Албатта, бундай учрашувлар ўз самарасини беради.

Ўзбекистон ва Қирғизистонни нафақат бизнес, балки тарихий алоқалар ҳам боғлаб туради. Бундай яқин алоқалар бизни Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаётгани билан яқиндан таништиради. Бугунги учрашув эса қирғизистонлик ишбилармонлар учун янада самарали бўлади, деган умиддаман, – деди «Қирғизланд» Экспортчилар ва импортчилар уюшмаси раиси Ленера Ниязбекова.

«Tashkent International Business HUB» ўз ишини бугун ҳам давом эттиради.

ЎЗА

✓ Кун ҳикмати

Қайси бир миллатнинг она тили ўз ҳолатини ўтаёлмай, бошқа ёт тиллар олдида мағлубиятга учраб тиз букар экан, ундай миллат кўп узоқламаёқ, инсоний ҳуқуқларидан ажраган ҳолда ҳаёт дафтари устига инқироз қалами чекилиши шубҳасиздир. Ундай миллатлар ёлғизгина Ватанларидан эмас, балки бутун борлиги билан тарих юзидан йўқолишга мажбур бўладилар.

Алихонтўра Соғунийнинг  
«Туркистон қайғуси» китобидан

Сени топмоқ йўли –  
 доим топинмоқдир



Фаргона вилояти,  
 Бувайда туманида  
 шоир Аъзам  
 Уктам хотирасига  
 бағишланган «Сени  
 топмоқ йўли – доим  
 топинмоқдир» номли  
 хотира кечаси бўлиб  
 ўтди. Унда таниқли  
 ижодкорлар, шеърят  
 мухлислари иштирок  
 этди.

Йиллар ўтса-да, Аъзам  
 Уктам шеърятини  
 дилларни мафтун  
 этишда давом этмоқда.  
 Бувайда фарзанди  
 бўлган шоир 1985  
 йилда Тошкент Давлат  
 университетининг  
 журналистика  
 факультетини битирган.  
 1989 йилда «Кузда  
 қулган чечаклар», 1990  
 йилда «Кузатиш», 1992  
 йилда «Зиёрат», 1993  
 йилда «Тараддуд»,  
 1998 йилда «Икки дунё  
 саодати», 2000 йилда  
 «Қирқинчи баҳор»  
 шеърый тўпламлари  
 нашр этилган.

У «Бола дунёни  
 тебратар» (1988),  
 «Хабар» (1995) каби  
 насрий асарлар  
 муаллифи. Рабиндранат  
 Тагор ва Николай  
 Рубцовнинг туркум  
 шеърларини ўзбек  
 тилига таржима қилган  
 моҳир таржимон  
 ҳамдир.

– Марҳум устоз, шоир  
 Аъзам Уктам билан 5-6  
 марта кўришганман,  
 суҳбатлашганмиз ҳам,  
 – дейди Ўзбекистон  
 Ёзувчилар уюмчаси  
 аъзоси Шухрат Ориф. –  
 Уларда чин инсонийлик  
 сифатларини кўрганман.  
 Шу сабаб шоирларга  
 ҳурматим, шоирликка  
 иштиёқим ошган. Ўтган  
 йилдан бери кўнгилда  
 эзгу бир ниёт уйғониб,  
 устоз туғилган Бувайда  
 туманида хотира кечаси  
 ўтказишни режалаб  
 юргандик. Пандемия  
 сабабли бу бироз  
 чўзилди. Бугун тадбирни  
 ўтказиб, дилларимиз  
 ёришди.

Аъзам Уктамнинг  
 рафиқаси Хулқар  
 опа Хамроева ва  
 кизи Тўмарис устоз  
 шеърятининг  
 чин мухлислари  
 кўплигидан, айниқса,  
 устозни кўрмасдан  
 севадиган янги авлод  
 улғайётганидан  
 мамнунлик билдирди.

М. СУЛАЙМОНОВ, Ўза

# БОБОМНИНГ

## ЎСЧИ-КОЯСИ



Мен бобомнинг катта ўғил  
 фарзандининг биринчи ўғил  
 фарзанди эдим. Шунингдек,  
 беш сингил ва уч нафар  
 ўғил укаларнинг катта ака-  
 си бўлганман. Болалигим  
 бахтиёр ўтган десам, адаш-  
 маган бўламан. Дадамлар  
 давлат ишида ишлаганлари  
 учун бўлса керак ҳар сахар  
 ишга кетиб, куёш ботган-  
 дагина уйга қайтардилар.  
 Биз гўдаклар тарбияси билан,  
 асосан, ҳеч қаерда  
 ишламайдиган онажонимиз  
 шуғулланар, бирортамиз  
 ноҳўя иш қилиб қўйсак: «Да-  
 данг билса, ундай бўлади,  
 даданг эшитса бундай  
 бўлади, энди дадангдан таъ-  
 зирингни ейсан», – дея бизни  
 тартибга қақирардилар. Уй  
 юмушларидан кейин дарс  
 билан машғул бўлардик.  
 Дадамиз жиддий, камгап ва  
 кам куладиган одам эдилар.  
 Аммо баъзан дутор чалиб,  
 қўшиқ киргойи қилардилар.  
 Онамизга эса ўта талабчан  
 бўлганлар. Бирон марта она-  
 мизга қулиб гапирганларини  
 эслай олмайман. Бугун уйлаб  
 қарасам, дадам бирорта-  
 мизни урмаган, сўкмаган ва  
 ҳатто, бирортамизга баланд  
 овозда гапирмаган эканлар!  
 Энг ёмон гаплари «лаънат  
 олиб бермоқчимисан», дея  
 хафа бўлиб, қовоқларини  
 солиб, жиддий тусга кириб  
 олардилар. Бу эса онамизга  
 қўл келар ва тарбиявий иш-  
 лар тездан авжга чиқарди.  
 Шунинг учун бўлса керак,  
 дадамиздан қаттиқ кўрқар  
 эдик. Йиллар ўтиб, барчамиз  
 олий маълумотли, яхши касб-  
 ҳунар эгаси бўлиб етишдик.  
 Энди эсласам, онамиз да-  
 дамизни роса хурмат қилар,  
 у кишига нисбатан ўзларини  
 мамнун тутардилар. Мен  
 уларнинг муносабатларини  
 зимдан кузатар эканман,  
 улар ўртасида биз билмаган  
 ҳамда тушунмаган илоҳий  
 муҳаббат бор, деб ўйлардим.

Албатта, ўн бир жонни боқиб,  
 ўз ота-онасию, аймоқларини  
 рози қилиш ёлғиз дадам учун  
 осон кечмаган бўлса керак.  
 Онажоним ўқимишли оила-  
 дан бўлганлигиданми, 4-5  
 ёшлигимдан менга ҳарфлар  
 танитиб, китоб ўқишни, шах-  
 мат тошларини суришни  
 ўргатганлар, шеърлар ёд-  
 латганлар. Қуръон сурала-  
 рини ўргатганлар. Бобом  
 эса ҳали мактабга борма-  
 симдан ҳарф таниганимдан  
 қувониб, дўстларига «Муш-  
 тум» журналини ўқиб бера  
 олишимни кўрсатиб, роса  
 мактанар эдилар. Уйимизда  
 дадамнинг китоблар қўядиган  
 жавони бўлиб, унда етмиш,  
 саксон атрофида китоблар  
 бўларди. Китоблар ораси-  
 да Навоийнинг газаллар  
 тўплами, Махтумқули, Маш-  
 раб, Муқимий, Фурқатнинг  
 шеърый тўпламлари, «Минг  
 бир кеча» ҳамда Қоғдирийнинг  
 романлари борлиги хотирам-  
 да қолган.

Кунлардан бир кун бобом  
 қўлимдан етаклаб юрар экан:  
 – Қори болам, энди катта  
 йилит бўлиб қолдингиз. Бу  
 йил, худо хоҳласа, мактабга  
 ҳам борасиз, ростми, – де-  
 дилар.

Мен суҳбат жиддий кечи-  
 шини ҳис қилиб, бобомнинг  
 қувонч тўла кўзларига қараб,  
 бошим билан тасдиқ ишора-  
 сини қилдим.

Қордек оппоқ соқоллик,  
 юзидан нур ёғилиб турган  
 бобом ишонч билан сўз бош-  
 ладилар.

– Мен ҳам оилада энг катта  
 фарзанд бўлганман. Дадам-  
 ларнинг биринчи фарзанди –  
 ўғил бола бўлиб туғилганман.  
 Дадам ҳам бобомларнинг би-  
 ринчи фарзанди бўлиб, ўғил  
 бола бўлиб туғилган экан. Ме-  
 нинг бобом ҳам ўз дадасининг  
 биринчи фарзанди бўлиб,  
 ўғил бола бўлиб туғилган  
 экан. Бобомнинг дадалари  
 ҳам ўз дадаларининг биринчи

фарзанди – ўғил бола бўлиб  
 туғилган эканлар. Сизнинг  
 дадангиз ҳам менинг оилам-  
 даги биринчи фарзандим –  
 ўғил бола бўлиб туғилганлар.  
 Мана Сиз ҳам дадангизнинг  
 оиласидаги биринчи фар-  
 занди – ўғил бола бўлиб  
 дунёга келдингиз. Бу оила-  
 ми шажараси тарихидаги  
 ҳикматли ҳолат ҳисобланади.  
 Авлодларимиз тарихида қиз  
 болалар ўғил болалардан  
 кўпроқ туғилган. Дадангиз-  
 нинг ҳам бугунги кунда бир  
 нафар ўғли, яъни Сиз ва уч  
 нафар қизи бор, насиб қилса,  
 Аллоҳ яна фарзандлар ато  
 этгай. Ҳикмат шундан ибор-  
 атки, Яратганга шукроналар  
 бўлсинки, авлодларимизда  
 биринчи фарзанд доимо ўғил  
 бўлган. Менга ёш болали-  
 гимда Қуръони Каримдан  
 сабоқ берган бобом насиҳат  
 қилганлар ва бу омонатни  
 келгусида авлодларга етка-  
 зишимни вазифа қилганлар.  
 Бобомнинг ҳам, отамнинг ҳам  
 насиҳатлари шундай бўлган:

– Бу дунёга инсон, бўлиб  
 келишнинг ўзи Аллоҳнинг ил-  
 мидан, биз учун буюқ неъмат  
 ҳисобланади. Шунинг учун  
 ҳам Яратганга шукроналик ва  
 ҳамду санолар айтиб яшаш  
 керак. Бизларни Аллоҳ тана-  
 мизни покиза қилиб яратган  
 ва вужудимизга тоза руҳни  
 омонат қилган. Биз бандлар-  
 нинг ҳаётимиз мазмуни омон-  
 атга хиёнат қилмасликдан  
 иборатдир, яъни танамиз ва  
 руҳимизни покиза сақлаб,  
 умрғузaronлик қилиб, та-  
 намизни ҳам, руҳимизни  
 ҳам Эгамизга покиза ҳолда  
 топширмайлик. Шайтонни  
 руҳи вафасасидан сақланган  
 ва нафснинг жинни жилволаб  
 олинг. Касбу қор билан ти-  
 рикчилик қилинг ва бировлар  
 ҳаққига хиёнат қилманг. Бу-  
 нинг учун ҳалол ва харомни  
 ажратиб олишингиз, нопок  
 ишлардан сақланишингиз  
 керак. Йилит кишининг би-


ринчи вазифаси ота-онанинг,  
 айниқса, онанинг хизмати-  
 ни адо қилиб, уларни рози  
 қилишдир, ака-ука, опа-син-  
 гилларга ғамхўр ва меҳрибон  
 бўлишдир. Худо хоҳласа,  
 униб-ўсиб вояга ҳам етасиз.  
 Сизни уйлаб ҳам қўямиз,  
 оилани ҳам бўласиз. Оила-  
 ми, никоҳда эр-хотиннинг  
 муносабати муҳаббат дейи-  
 лади. Бу муҳаббатни Аллоҳ  
 икки ёшнинг розиликларини  
 эшитгандан сўнг Ўзи ҳам рози  
 бўлиб, уларга туҳфа қилади.  
 Муҳаббат Аллоҳдандир. Ун-  
 дан аввалги иштиёқ, сев-  
 ги, ҳавасга эҳтирос бермас-  
 лик керак. Бизга муҳаббат  
 берган Аллоҳнинг барча  
 кўрсатмаларини муҳаббат билан  
 бажармоқ даркор. Никоҳ  
 ҳам имтиҳон ҳисобланади.  
 Қиз бола учун бу боқиралик,  
 ор-номус имтиҳонидир. Йи-  
 гит киши учун эса бу виждон  
 имтиҳонидир. Бу куннинг сир-  
 асори Аллоҳга ва йигитга ой-  
 надек маълумдир. Куёв бола  
 ҳам никоҳга тоза, руҳ ва тана  
 покизалиги билан кириб кели-  
 ши керак. Нафсни, шахватни  
 бошқара олган йигитлар  
 оилада бахтли-саодатли  
 бўладилар. Мана шу услат  
 авлодларимиз тарихидаги  
 ҳикмат ҳисобланади. Агар  
 шу аъъанга муносиб яша-  
 сангиз, сизнинг ҳам биринчи  
 фарзандингиз, худо хоҳласа,  
 ўғил бўлади. Албатта, сиз  
 ҳам, худо хоҳласа, аъъанала-  
 римизга амал қиласиз ҳамда  
 келгуси ворисларимизга ва-  
 сиятларимизни сўзма-сўз  
 етказасиз, деган умид билан  
 қандайдир ишонч ва меҳр  
 билан қарар эканман, бобом-  
 нинг сўзлари ёдимдан ўтди.  
 «Шоядки, насл-насабимиз  
 қияматгача покиза тана ва  
 тоза руҳда етиб борса».

Утган йил-  
 лар давомида бобом мени  
 бир умр кузатиб тургандек  
 яшадим. Яна шу нарсага  
 ҳам амин бўлдимки, оилани  
 бўлиш, қиз ёки ўғил фар-  
 занд кўриш фақат Аллоҳдан  
 экан. Авлодимизнинг ҳикмати  
 бўлган покиза яшаш ва бирин-  
 чи фарзанднинг ўғил бўлиши,  
 Аллоҳдан бўлса ҳам, шу бил-  
 лан бирга бу оддий тасодиф  
 бўлган. Боболаримизнинг  
 насл-насабларини тўғри  
 йўлга бошлашга, ўзига хос  
 тарбиялашга қўлланилган  
 йўл-йўриқлари экан бу. Пар-  
 вардигори оламга шукро-  
 налар бўлсинки, биринчи  
 фарзандим ўғил бола бўлиб  
 туғилди, биринчи фарзан-  
 димнинг биринчи фарзанди  
 ҳам, набирам ўғил бўлди.  
 Шу тариқа имтиҳонлардан  
 аъло баҳоларда ўтгандек  
 бўлдик. Болам ўз вақтида  
 бобосидан васиятини қабул  
 қилиб олган эди, Набирам  
 куни-кеча олти ёшга тўлди.  
 Бобо ва набира – иккимизнинг  
 ўртамизда жиддий суҳбат  
 бўлиб ўтди. Боламнинг бола-  
 сига оғир вазифалар бериб  
 қўймадимки, деган фикр-  
 лар ҳам ўтди кўнглимдан.  
 Бугунги тезкор ҳаётимизда  
 маккор шайтоннинг ожиз бани-  
 далар устидан ҳукмронлиги  
 ортиб бораётгандай туюлади  
 менга. Шундай бўлса ҳам,  
 умидларимиз катта. Ахир  
 инсон ақлу идрокли, кучу  
 қудратли бўлиб, Оллоҳнинг  
 ер юзидagi халифаси этиб  
 яратилган-ку! Набирам-  
 га шулар ҳақида гапирар,  
 қандайдир ишонч ва меҳр  
 билан қарар эканман, бобом-  
 нинг сўзлари ёдимдан ўтди.  
 «Шоядки, насл-насабимиз  
 қияматгача покиза тана ва  
 тоза руҳда етиб борса».

Муҳаммадамин АХУНОВ,  
 Республика «Маърифат»  
 тарғиботчилар  
 жамияти аъзоси

✓ Тарих

## Бизни ёв эмас, феъллимиз ва сажиямиз енгган



1860 йили Узуноғоч жангида  
 Қўқон аскарлари рус қўшини  
 ўзаро тўқнашганида Олимбек  
 додхоҳнинг хиёлати сабаб му-  
 сулмонлар енгилди...

Хон армиясига амири-лашкар-  
 ликка (қўмондонликка) Қаноатшоҳ  
 оталик белгиланади. Олимбек  
 додхоҳга эса унинг ёнида туриш  
 тайинланади. Муҳораба ара-  
 фасида Олимбек қўшини мен  
 бошқараман, акс ҳолда жангга  
 кирмайман, дея норозилик бил-  
 диради. Аммо, Қаноатшоҳ оталик:  
 «Хон ҳазратларининг сўзларини  
 икки қиламизми?», дея кўнмайди.  
 Шундан кейин Олимбек додхоҳ  
 аскарларини олиб, хон қўшинини  
 ташлаб кетади. Шу тариқа мусул-  
 мон қўшини енгилди.

1864 йили Чимкентда яна  
 Қўқон аскарлари рус қўшини  
 тўқнашади. Қўқон аскарлари  
 Қўқон қўшини додхоҳни, амири-лаш-  
 кар Алимқули жанг майдонида  
 ғолиб бўлади. Қўқон қўшинсиз  
 қолганидан фойдаланган Бухоро  
 амираи эса Уратепа орқали  
 Қўқонга юриш бошлайди. Шундан  
 кейин Чимкентни эгаллаб турган  
 Алимқули қўшини Қўқонга  
 қайтаришга мажбур бўлади.

Мусулмонлар яна енгилди.  
 1865 йили Алимқули амири-  
 лашкар ва генерал Черняев  
 қўмондонлигидаги икки қўшин

Тошкентда тўқнашиб, жанг авжи  
 палласига чиққанида амири-лаш-  
 карга ўқ тегиб, отдан қулайди.  
 Шу пайт биринчи бўлиб хон-  
 лик қўшинининг Пўлод исми-  
 лик қўмондони бошчилигидаги  
 бўлинмаси қочишга тушади.  
 Бунгача жанг тенгма-тенг кечаёт-  
 ган эди. Пўлод бошлиқ қисмининг  
 қочиши хон қўшинини саросимага  
 солиб қўяди. Бирин-кетин мусул-  
 мон аскарлари пароканда бўлади.  
 Қўшин енгилмас-да, жангга кир-  
 ган 15 мингдан зиёд аскарнинг  
 ҳаммаси қочади.

Тошкент генерал Черняевга  
 бой берилганда себзорлик қози  
 Ҳакимхўжа эшон бошчилигидаги  
 элчилар Бухоро амираи хузурига  
 ёрдан сўраб борадилар. Амир  
 эса қутилмаганда ҳали нора-  
 сида хон Султон Саййидхонни  
 гаров сифатида келтиришларини  
 сўрайди. Хон Бухорога  
 келтирилгач, амирнинг беш  
 юз сарбози Тошкентга бориб  
 қайтади. Ҳали 14-15 га кирмаган  
 хон Султон Саййидхон эса Бухоро-  
 да ўлдирилади.

1866 йили генерал Черняев  
 қўшини Бухоро амирлигига бости-  
 риш қиради. Амири-лашкар Олло-  
 ёр девонбеги қўмондонлигидаги  
 30 минглик қўшин 2 минг рус  
 қўшинига қарши юборилади.  
 Жангга бир кун қолганида Оллоёв

девонбегининг ўн етти ёшли қизи  
 Арқда зўрланади. Ана шу жанг ол-  
 дидан ҳам феъллимиздаги қусур  
 панд беради. Қиз ўзини ўлдиради.  
 Шундан кейин Оллоёв девонбеги  
 жангга кирмай, кетиб қолади.  
 Қўшин эса русларнинг 1-2 замба-  
 раги ўқидан қоча бошлайди.

Ушанда Бухоро амирининг  
 ўн саккиз ёшли ўғли Абдумалик  
 тўра отасининг олдига ки-  
 риш, «Жами қўшинини менга  
 беринг, ўрисни мусулмоннинг  
 ерида қолдирмайман!» дейди.  
 Амираи Бухоро: «Хўп, хўп, сиз  
 тонггача кутинг, бир қарорга  
 келуримиз!», деб ўғлини яхши  
 гап билан чиқариб юборади ва  
 ўзи рус зобитларига хат ёзади:  
 «Ўғлимиз ҳукумат дағдағасига  
 тушиб қолибдир, қўшин билан  
 ёрдан берсангиз, итоатимга  
 қайтарурман...»

Бундай ёқимсиз тарих силсила-  
 сини узок давом эттириш мумкин.  
 Фикр қилинса, феълу фикримиз  
 кўп ҳолларда бизга панд бер-  
 ганини кўраимиз...

Ўзимизни ислоҳ қилма-  
 гунимизча, ўнганмаймиз.  
 Ўнганмасак, бизнинг авлодлар  
 ҳам юқоридагидек феълу сажия-  
 рининг хамдан малоланиб ўтадилар.  
 Бунисидан Ўзи асрасин.

t.me/baxtiyor1980



### Қашқадарёлик талаба халқаро танлов ғолиби

Қарши давлат университети хорижий  
 тиллар факультети филология  
 ва тилларни ўқитиш; немис тили  
 йўналишининг 2-босқич талабаси  
 Забаржад Қаҳқорова Қозоғистоннинг  
 Нурсултон шаҳрида МДХ  
 давлатлари ўртасида 2019 йилдан  
 буюн анъанавий тарзда ўлказиб  
 келинаётган "Йилнинг энг яхши ёш  
 олимлари – 2021" халқаро танловига  
 муваффақиятли қатнашди.  
 Забаржад Қаҳқорова танловда "III-  
 халқаро китоб наشري" йўналишида  
 ўзининг "Немис тилини интенсив  
 ўқитишда тил компетенцияларининг  
 ўрни" мавзусидаги мақоласи билан  
 қатнашиб, фахрли 1-ўринни қўлга  
 киритди.

Ўза

## Ҳини одам



Абдулла  
ОРИЕВ

Инсонлар бир-бирин юрса ардоқлаб  
Ўртада восита асли зиёда.  
Ҳар икки одамни турғувчи боғлаб  
Учинчи Одам бор лекин дунёда.  
Учинчи Одам бу - ўзи бир хилқат,  
Ўшадир дунёга илк кўйган қадам.  
Икковлан ўлжани келтирган фурсат  
Ўчоққа ўт ёққан учинчи Одам.  
Пайғамбар шаклида у соҳиб кутқу  
Бандага Худони далолат этган.  
Не ўжар шоҳлардан элчи бўлиб у  
Гоҳо бош келтирган, гоҳ боши кетган.  
Муҳаббат бобида у-ку бир маҳрам,  
Унингсиз висол ҳам йўқдир аслида.  
Шоирнинг ёр учун битган сатрин ҳам  
Ёд олган ўшадир - шеърхон шаклида.  
Унинг бир унвони ҳакамдир азал,  
Шунчалар муҳтарам учинчи бу зот.  
Токи бу оламда меҳр нотугал,  
Мен фақат ўшандан кўрқаман, ҳайҳот!  
Ахир у эмасми дўстни ганиму  
Ғанимни дўст қилиб кўйгувчи одам.  
Магар у бешафқат боиласа гулу  
Дунёга гавғолар солгай чинакам.  
Рўёни рост деса, миттинчи кабир,  
Жанубни Шарқ деса айлаб имолар.  
Куфрли дунёда оз эмас, ахир,  
Ўшанинг измидан юрган сиймолар.  
Учинчи бу одам тирикдир токи  
Дунёнинг чайқалиб турмоғи аён.  
Серғалва асрда бу зот ҳаттоки  
Салтанат шаклида бўлар намоён.  
Оламда, аслида, бордир дўст ва ёв!  
Орзум шул: покиза кўрсам виждонни.  
Кимсанинг номидан кимсага биров  
Сотиб юбормаса, дейман имонни.  
Қўлларим кўксимда, бетинч, бетоқат,  
Тавзимлар қилурман сенга ушбу дам.  
У - менми, у - сенми, ким бўлма, фақат  
Сенга инсоф берсин, учинчи одам.

## Она тилим

Гарчи зуғум қилганларни ёқтирмадим,  
Шеър ёздим у бўлак ишни қотирмадим.  
Тилим туриб ўз тилимда гапирмадим,  
Бир элсасам эзилади бағри-дилим.  
Она тилим, кечир мени, она тилим.



Мухаммад  
ЮСУФ

Онам «эркам» деб қучганда тунлар ярим,  
Эрким йўқ деб зирқирарди бир жойларим,  
Паровозни ҳансиратган буғдойларим,  
Олтинларим, маъданларим, ипақларим,  
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Кимлар учун биз эдик бир бадавийлар,  
Ўзбекни қон қақшатганим узбек сийлар,  
Ҳолимизни қон кузатиб Яссавийлар,  
Топганимиз хандалакдек тилим-тилим,  
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Кимдир майда миллат бўлди, кимдир катта,  
Катта миллат — Афандиси йўқдир ҳатто,  
Биз пиёда, биз боққанлар юрди отда,  
Зулм ўтса фақат сендан ўтди зулм,  
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Сен бўлмасанг нима бизга силлик шеърлар,  
Бу дунёда тили йўқда дил йўқ дерлар,  
Баҳоинг-ку бериб кетган Алишерлар,  
Юрагимнинг тўридаги сўлмас зулм,  
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Бир қарасам ҳар шевангда минг жилолар  
Ҳар новдангда, ҳар мевангда минг жилолар.  
Қодирийлар, Чулпонлар-у, Абдуллолар,  
Сенинг қайтган кунинг мен тугилган йилим,  
Она тилим, эй муқаддас Она тилим.

Шавкат  
РАҲМОН

## Қайсар булбул

Зоглар орасида булбулни кўрдим,  
Беи-ун кўтир зағча бошин чўққан,  
Юраги ёрилиб ўлсин деб шўрлик,  
Булбул ҳақида кўп игво тўқилган.

Эмишки,  
хониши доим аразли,  
йўқотиши керакмиши сохта булбулни,  
саҳар чоғларида вайсаб гаразли,  
атай ухлатармиши неча қизгулни.  
Бу ҳам етмасандай қомил замонда  
салтанат қасрига пешоб тўқармиши,  
тагин ул миллатчи эмиш ашаддий,  
қайда сайраса эл исён кўтармиши.

Иволар ёғилур,  
беи-ун кўтир зог  
янги арслониюҳга тинмай хат ташир.  
Шотирлар ишидан юрар кайфи чоғ  
қора кўзойнакни таққан каттаси.

Арслониюҳ алмашар,  
вазир алмашар,  
борлиқни қайтадан қурмоқда авом.  
Зоглар қайлашиб бирам яйрашар,  
тагин игвохатлар ёзилар равон.

Эмишки,  
бу булбул айбин яширар,  
ҳар наҳор ўн қалқик гўштини ермиши,  
палон йил писмадон қавакда бирдан  
саккизта айиқни зўрлаган эмиши.  
Тагин бир айби бор,  
ўқирмиши намоз,  
ислом байроғига қилармиши сажда,  
ҳар қандай жазони берсангиз ҳам оз,  
ҳаммани қон қилиб бўлди бу аждадар.

Иволар ёзилур,  
беи-ун кўтир зог  
янги арслониюҳга тинмай хат ташир.  
Шотирлар ишидан юрар кайфи чоғ  
қора кўзойнакни таққан каттаси.

Ажаб ҳангомалар бўлар қайтадан,  
зоғларнинг кўзида қайнар ажжина.  
Зоглар орасида сайрар атайлаб,  
бу булбул ўзим жуда гажир-да.  
Ҳой, булбул,  
Ўзингга бир оз раҳм қил,  
бўлмасми дамингни чиқармай турсанг.  
Ахир қайта қуриши...  
бўлмасми бир йил  
зоғлар орасида зог каби юрсанг...

## Муқаддас аёл



Ҳалима  
ХУДОЙБЕРДИЕВА

Ошиқларинг пойингта гул отиб ҳам бўлди,  
Хилватларда лабиндан бол тотиб ҳам бўлди,  
Ва бу ҳақда кимларгадир сотиб ҳам бўлди,  
Сен бари бир муқаддасан,  
Муқаддас Аёл!

Аввал: «Кел-эй, қучоғимга тўл, балқ», дедилар,  
Унамадинг, аёл ўзи терс «халқ», дедилар,  
Ичолмагач юз ўеириб, шўр, талх, дедилар,  
Сен бари бир муқаддасан,  
Муқаддас Аёл!

Сен дарёсан, ўнганини қирғоқ яширар,  
Жуфтим бўл, — деб чопганини ҳар тоқ яширар,  
Жаннатим, — деб қувонмасдан қумлоқ яширар,  
Сен бари бир муқаддасан,  
Муқаддас Аёл!

Асли бу бор эрмакларнинг борар ери Сен,  
Росту ёлгон эртакларнинг борар ери Сен,  
Асов отдай эркакларнинг борар ери Сен,  
Сен бари бир муқаддасан,  
Муқаддас Аёл!

Чорлашганда сен келсанг, гоҳ бекор келсанг-да,  
Маст даврага бир сарин ел, бир тор келсанг-да,  
Хор келсанг-да, номардларга гоҳ хор келсанг-да,  
Сен бари бир муқаддасан,  
Муқаддас Аёл!

Қимтинасан, астагина кўтарасан бош,  
Минг йилликдир кўзингдаги жавдирарган ёш,  
Гуноҳкорлар мингу битта Сенга тегар тош,  
Сен бари бир муқаддасан,  
Муқаддас Аёл!

Ҳарир, хушбўй бадинингда тошлар изи бор,  
Кўкрагингда эзилган не бошлар изи бор,  
Кўёш изи, куйдирган кўёшлар изи бор,  
Сен бари бир муқаддасан,  
Муқаддас Аёл!



Рауф  
ПАРФИ

Ёмғир эмас, марварид ёғар,  
Ёмғир — кеча шаклида бу он.  
Сув сингари жилдираб оқар,  
Кеча кечар шод ва беармон.

Баргларда рақс этар шаббода,  
Ўйнар сабо шаклида кеча,  
Тун булутга кўтариб бода  
Афсоналар айтар тонгаеча.

Танизорим игна учинда  
Кўзларимда норлар қора нур.  
Менга кеча ёмғир ичинда  
Машғум хаёл каби кўринур,  
Рухсорини юрган кечада  
Мен билмаган яланғоч шуур.

## Онам хотираси



Карим  
БАХРИЕВ

Йўлларга мунгайиб боқдингиз нотинч:  
Эшик гичирласа: "Болам келдимми?!"  
Болангиз очмаган эшикдан бир кеч  
Ногоҳон мунгайиб Ўлим келдимми?!  
Хоксорга ётишар бор барча дардқи,  
Куйдингиз, бизларга қўнмай бир гардқи —  
Мана, сиз совумай мен едим турқи,  
Юрак — қон, кўзимга жолам келдимми?!  
Дердингиз гоҳида қувониб дилдан:  
«Биз кетмондан — нонли, сен эса — тилдан!»  
Сайраб юрган эдим ҳар бир манзилда,  
Сиз кетиб бир сўзга тилим келдимми?!  
Бир кунни айтибди Ҳақ Пайғамбари:  
"Аёлнинг паноҳи — эри ё қабри!"  
Кетганга — раҳмати, қолганга — сабри,  
Паноҳингиз — ердир, нолам келдимми?!  
Сизни Аллоҳ олди бир қиш оқиоми,  
Шу кунда қиз берди менга иболи,  
"Она қизим!" — дейман энди Рағнони,  
Онам кетган жойдан болам келдимми?!  
Дамлар ўтиб борар бир дам кетидан,  
Одам кетаверар одам кетидан.  
Аввал момом кетди, онам — кетидан,  
Секин-секин менинг галим келдимми...

## Ибодат

Ибодат не? Яратганга  
итоат ҳам ибодатдир,  
Ҳақиқий бандилик бирлан  
саодат ҳам ибодатдир.

Ибодатдир, тирикликни  
этолсанг маърифат боғи,  
Машаққатлик илм, санъат,  
қироат ҳам ибодатдир.

Онанг бирла отанг қалби  
ўтар Қабба таовифдан,  
Алар қўнглини шод этсанг,  
шу хизмат ҳам ибодатдир.

Хабар олдингми бемордан,  
қариндош, дўст, мусофирдан?  
Бировни йўқласанг дилдан,  
зиёрат ҳам ибодатдир.

Умрни етмайин исроф,  
ўзинг рўза, вужудинг соф,  
Агар пок ҳолда ухларсен,  
шу роҳат ҳам ибодатдир.

Мудом Аллоҳни зикр этсанг,  
ҳалол бориға шукр этсанг,  
Қиёмат кунни фикр этсанг,  
тижорат ҳам ибодатдир.

Бутун борлиқ, наботот ҳам  
Яратганга этар тасбеҳ,  
Бобо дехқон экиб юрса  
зиёрат ҳам ибодатдир.

Ибодатдир, бирор зolim,  
жафокорга десанг ҳақ сўз,  
Ва нодонга сукут қилсанг,  
сукунат ҳам ибодатдир.

Агар жуфти ҳалол бирла  
қўнғилхушлик этар бўлсанг,  
Фалак шохид, малак ҳозир,  
бу суҳбат ҳам ибодатдир.

Бу Иломдир, бутун умринг  
ибодат ҳолиға келгай,  
Ва оғоҳлик билан ўтган  
шу фурсат ҳам ибодатдир.

Тамал - иймону ихлосдир,  
бу қуллик бандоға хосдир,  
Ҳудо деб қилганинг ҳар иш  
ва ният ҳам ибодатдир.

Севиб, Мирзо, фақат дўстлик  
билан дилларни обод эт,  
Агар Аллоҳ учун севсанг,  
муҳаббат ҳам ибодатдир!..

## Биринчи парта



Фахриддин  
ХАЙТ

Синфхонадаги биринчи парта,  
Орзулар кемаси эди у гўё.  
Элсасам, қалбимда ҳаяжон ортар,  
Беғубор экан-да ўша дам дунё.  
Қаршимда ўтирган муаллим каби  
Равшан кўринарди келажасим ҳам.  
Синф тор эди-ю, қалбим матлаби —  
Муҳаббатим каби сарҳадсиз олам.  
Ёнимда кўзлари мовий дилрабо,  
Ишқда кўп эканда сиру синоат.  
Танаффус. Сабоқлар ўзгарар, аммо  
Мен учун муҳаббат дарси ҳар соат.  
Китобимни уйда қолдириб атай,  
Унинг китобиға термуламан жсим.  
Сўнг изн беради, бир зум ҳам ўтмай,  
Қирмизи юзида ёнар табассум.  
Яна чулганани олам ранеларга,  
Мактаб қучоғида лаҳзалар тотли.  
Ҳар кун таҳсин айтиб оптоқ тонларга  
Нурдай сизиб кирар қалбимга шодлик.  
Синфхонадаги биринчи парта —  
Муҳаббат кўшиги бу, ишқим кўргони.  
Ёдга оламани кўзимда қатра,  
Ёш пайдо бўлади, ўртанар жсоним...  
О сен, юрагимнинг қайси қастида  
Яшайсан муҳаббат кўшиги бўлиб.  
Мени дунёларга кўрмайсан раво,  
Мени дунёлардан олсанг узиб.  
Синфхонадаги биринчи парта...

## Согиниш



Гуландом  
ТОҒАЕВА

Мен тилсиз дўтурман, нолам кўп эски,  
Вақт қанча чалса ҳам ета олмайдим.  
Кўнгилар мулкнинг муносиб беги,  
Асло ёшлигига қайта олмайдим.

Бир вақтлар кўчани тўлдирган тулпор —  
От чўплар асодир энди қўлларда.  
Бизни «севаман» деб алдаган баҳор,  
Ялғиз бўлиб кулар қайси йўлларда.

Бизни йироқларга йўллади ҳасрат,  
Бизни улаёттирди дўстлар ҳасади.  
Майсаларни эзиб бораверарди,  
Ҳайратни билмаган улар жасади.

Бизлар тонг шафақи қадар ёш эдик,  
Орзиқиб кўтардик янги толенни.  
Булбулға қафдан-ку гулнинг вужуди,  
Бизни айирмоқдан мақсадлари не?!

Сен менинг энг гўзал суйгулигимсан,  
Йиғлаб учрашарди сенда толейим.  
Мунглар, ҳасратларга бўлсам ҳам ошно,  
Изн бер, пойингда йиғлаб олайин.

Мен ҳикмат ахтарсам хазонлар ичра,  
Ғунча қулғичида боқийим ўзинг.  
Сўздан чиқиб кетсам агар сен сорди,  
Маънолар базмида соқийим ўзинг.

Сенинг гўзаллигинг-Аллоҳнинг сирини,  
Ким ошкор этса гар ўлимга маҳрум.  
Мен шундан балки лол, бўлиб асиринг,  
Кўйингда мафтунман, кўйингда мафтун.

«Ишқ» сўзи дунёнинг асл қомуси,  
Шул сабаб умримга ҳам тенг гулимсан.  
Сен-менинг нозанин қуним маънисини,  
Сен-менинг энг гўзал янглигимсан!..  
Изн бер, пойингда йиғлаб олайин!..

## 438 минг йигит-қизга катта ҳаёт йўлланмаси берилди



Кеча 10 мингдан ортиқ давлат, 171 та нодавлат ва 18 та давлат-хусусий шерикчилиги асосидаги умумтаълим мактабларида сўнги қўнғирок тадбирлари ўтказилиб, 11-синфни тугаллаган 438 минг ўқувчига катта ҳаёт йўлланмаси берилди. Маълумотларга кўра, 2019-2020 ўқув йилида 490 мингта яқин ўқувчи 9-синфни, 451,3 мингдан зиёд ўқувчи 11-синфни тугатган. Олий ўқув юртига ҳужжат топширган 1,5 млн. абитуриентнинг эса 347 минг

нафар (23 фоиз)и мактаб, 189 минг нафар (13 фоиз)и академик лицей ва коллежлар ҳамда 948 минг нафар (64 фоиз)и аввалги йилларнинг битирувчилари бўлган. Уларни олий таълимга камраб олиш даражаси 2016 йилдаги 9 фоиздан 2020 йилда 25 фоизга ўсганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур кўрсаткични жорий йилда 28 фоизга, 2030 йилга бориб эса 50 фоизга етказиш кўзда тутиляпти. Айни пайтда мамлакатимизда

137 та олий ўқув юрти, 339 та касб-хунар мактаби, 193 та коллеж ва 196 та техникум бўлиб, битирувчиларга ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиш учун 71 та олий таълим муассасасида сиртки, 18 та олийгоҳда кечки бўлимлар очилди. Иктисодиёт тармоқларининг эҳтиёжларига кўра, кўшимча 134 та бакалаврият, 147 та магистратура йўналишлари ташкил этилди. Бундан ташқари, 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб олий таълимда

масофавий таълимни йўлга қўйиш ҳам режалаштириляпти. Қиёслаш учун куйидаги рақамларни келтириш мумкин: айни пайтда кўшни Қирғизистон Республикасида 2283 та мактаб бўлиб, мамлакат таълим вазирлиги ахборотига кўра, 2020 йили 104 минг нафар ўқувчи 9-синфни, 59 минг нафари эса 11-синфни тугатган. Жорий йилда эса 58 минг 287 нафар ўқувчи ёшлар 11-синфни битиришди.

Сохиба СОЛИЕВА тайёрлади.

## «Тошкент беш ташаббус ҳаракати» ёшларни бирлаштирди



21-25 май кунлари пойтахтимизда ёшларни бирлаштиришни мақсад қилган «Тошкент беш ташаббус ҳаракати» фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда ИТ мутахассислари, медиаторлар, вазирлар, журналистлар, ёзувчилар, блогерлар, вайнерлар билан учрашувлар ўтказилди.

Фестивал доирасида Tashkent Dance Fest ва Tashkent Voice Fest рақс ва вокал танловлари, Brain Ring интеллектуал ўйини ва Street Art танлови ташкил этилди. Шунингдек, футбол, Street Ball, стол тенниси, армрестлинг ва Street Workout бўйича мусобақалар уюштирилди.

Ёш ИТ мутахассислар ўз билим ва кўникмаларини «ProjectX» идеатони ва Tashkent Cyber Cup-2021да намоён этдилар. Қизлар учун Women Networking Week ўтказилди. Унда жамоалар 4 йўналиш: илм-фан ва технологиялар (STEM), бизнес, ижтимоий соҳа ҳамда санъат йўналишлари бўйича лойиҳаларини тақдим этдилар. Голиб жамоалар ҳомийлар томонидан рағбатлантирилди.

5 кун давом этган «Тошкент беш ташаббус ҳаракати» фестивалида 40 мингдан ортиқ ёшлар иштирок этди.

Ҳикоя

## ДУО КУЧИ

Болакай денгиз бўйида кўзларини бир нуқтага тикканча ўтирарди. Анчадан бери ўтирган бу боланинг ҳоли унга яқин ўтирган бир қариянинг диққатини ўзига тортди. Қария боланинг ёнига бориб:

— Ҳа, ўғлим, хорманг. Бугун денгиз жуда ҳам чиройлими? — дебди.

Болакай қарияга қиё ҳам боқмасдан:

— Лекин бугун шамол бор. Коптогим денгизга тушиб кетди, шамол эса уни узоққа олиб кетиб қолди, — дебди.

— Агар ёш бўлганимда, сузиб бориб, коптогини олиб берардим.

Бола жавоб қайтармай, тобора узоқлашиб бораётган коптогидан кўз узмасмиш. Шунда қария сокин овозда:

— Ҳеч қачон умидингни узма. Менимча, дуо қилсанг, яхши бўлади, — деб маслаҳат бериб-

ди. Бола қувонч билан:

— Дуо қилсам, коптогим қайтиб келадими? — дея сўрабди.

— Агар Аллоҳ истаса, албатта қайтиб келади. Мабодо қайтиб келмаса ҳам дуоларинг савоби сенга етади.

Болакай қариянинг гапига кириб, буvasидан ўрганган дуоларни ўқий бошлабди. У коптогини олиш учун узоқ ҳаракат қилган, ҳатто байрамларда йиққан пулларини ҳам коптоқка сарфлаган эди. Болакай шуларни ўйлар экан, коптоги қайтиб келиши учун шамол ўз йўналишини ўзгартириши кераклигини биларди. Аммо денгиз катта, коптоқ эса жуда-жуда кичик.

Кечга яқин ҳаво ўзгарди. Қуёш ботиши арафасида балиқчилар денгиздан қайта бошладилар. Уйига коптоқсиз қайтишини истамаган болакай ҳам қария билан балиқчиларни

кутарди. Қария эса балиқни ҳар доим битта балиқчидан харид қиларди. Ниҳоят шом оға бошлаган маҳалда балиқчилар қайта бошладилар. Қариянинг кўзи қадрдон балиқчига тушди.

— Овингиз бароридан келган бўлса керак иншо Аллоҳ, — деди қария. Аммо балиқчи ёнидаги кутига ишора қилиб:

— Бу сафар балиқ оз, — деди.

— Дуо қилмадингизми? — дея гапга аралашди болакай. — Умидингизни асло йўқотманг.

Балиқчи болакайнинг бошидан силаб:

— Дуо...

— Дуо қилсам балиқ тутаманми? — Тута олмасангиз ҳам дуоларингизнинг савоби сизга етади. Мен ҳозиргина ўргандим бун.

Балиқчи бу гапни биринчи маротаба эшитаётган эди.

— Энди мен ҳам бунни ўргандим. Менга кичкина ўқитувчи ўргатди

бунни, — деди балиқчи боланинг бошини силаганча.

Бу гапларни эшитиб болакай чин дилдан қувонди. Ҳатто каптогининг йўқолгани эсидан ҳам чиқиб кетди. Шунда балиқчи кемага қайтиб чиқди-да, кўлига нимадир олиб, уни болакайга узатди:

— Уқитувчилар ҳақини адо этиш қийин. Бун денгиздан топиб олдим, ма, ол, бу сенга, — деди.

Болакай худди туш кўраётгандек эди. У ҳозиргина рўй берган воқеа тушим эмасми, дея атрофга ҳам қараб олди. Йўқ. Туш эмас. Балиқчи ҳам, кема ҳам, қария ҳам... У коптогини қаттиқ қучоқлаб:

— Рухсатсиз узоққа кетиш йўқ, — деди.

Дуо қилмаганимда нима бўларди?

Абдурахим АЛАМОВ саҳифасидан олинди.

## Ҳаракат тўхтатилди



— Қирғизистон ҳукумати қирғиз-тожик чегараси ўтказув пунктларидаги ҳаракатни бутунлай тўхтиш юзасидан қарор қабул қилди, — деди мамлакат бош вазири Улукбек Маринов Чон-Олой тумани аҳолиси билан учрашувда.

“Онадўли” агентлиги хабарига кўра, муаммоли масалаларга ечим топиладиган кейингина чегара очилади.

— Масалаларга ечим топиш учун бор имкониятларни ишга солашим, — деди бош вазир.

Унинг айтишича, чегара делимитацияси ва демаркацияси баробарида сарҳадлар мустаҳкамлиги ҳам таъминланади.

ЎЗА



## Жиноятчиликсиз шаҳар

Лихтенштейн деярли жиноят содир этилмайдиган мамлакатлардан бири бўлиб, бу ерда амалдаги қонунчилик ва тартибни 125 нафар полициячи назорат қилар экан. Шунингдек, мамлакатда кам сонли маҳбусларга мўлжалланган қамоқхона бўлиб, икки йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилган фуқаролар Австрияга кўчирилади.

Кутлов



«Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши Сариеё туман кенгаши раиси **НАМОЗ ЖЎРАЕВ**ни муборак 60 ёши билан кутлайди!

Партияимизнинг жонкуяр, фидойи фаолларидан бири Намоз Жўраевга оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ ва масъулиятли фаолиятида куч-қувват тилаймиз.

Табассум вақти

Янги рус оғайниси чукчани кучуклари қорда чаналарни тортишга қийналаётганини кўриб, унга камаз совға қилибди.

Бир ойдан кейин келиб, хабар олибди.

— Қалай, камаз яхши эканми? Энди қийналмаясанми?

— Камаз яхши. Ичлари иссиқ. Лекин жуда оғир экан, итларим тортишга қийналяпти.

\*\*\*

— Адажониси бир нарсаси сўрасам майлими?

— Сўра.

— Биринчи мухаббатингиз ким бўлган?

— Жанжалга баҳона тополмаясанми?

ЎЗБЕКИСТОН  
«МИЛЛИЙ  
ТИКЛАНИШ»  
ДЕМОКРАТИК  
ПАРТИЯСИНING  
ИЖТИМОЙ-  
СИЁСИЙ  
ГАЗЕТАСИ

### ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,

Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Минхожиддин МИРЗО, Нодир МУХТОРОВ, Отабек ЖИЯНБОВЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАМЕДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:  
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

### ТАҲРИРИЯТ

ТАШКИЛ: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

### Набатчи муҳаррир:

Равшан МАХМУДОВ  
Набатчи:  
Вилоятхон ШОДИЕВА  
Дизайн гуруҳи:  
Мазмуржон ҚУДРАТОВ,  
Умид АРСЛОНБЕКОВ,  
Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ,  
Сохиба СОЛИЕВА

### ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11

Газета «SHARQ» нашриёти-маتبха акциядорлик компаниясида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқари.

Адаби – 2705.

Газетанинг баҳоси келишилган нархда.  
Қоғоз бичими: 350x587. Ҳажми: 4 босма табоқ  
Буюртма – 516  
Босишга топшириш вақти 21.00.  
Топширилди 4:40

Электрон почта:

mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

ISSN 2010-7714